

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Шодиев Нарзикул¹, Зулфиқоров Ихтиёр², Файзиев Мирзаали³

¹Самарқанд давлат университети, п.ф.д., профессор,

²Самарқанд давлат университети, магистрант,

³Самарқанд давлат университети, п.ф.н.

Ушбу мақолада бошланғич таълимда ўқитиш самарадорлигини оширишда дидактик ўйинлар қўллаш усуллари ҳақида фикр юритилган. Шунинг билан бирга бир нечта дидактик ўйинларни қўллаш мисол тариқасида кўрсатилган.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида интерфаол таълим усуллари сифатида дидактик ўйинларни бошланғич таълимда қўллаш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, дидактик ўйинлар асосида ташкил этилган ўқитиш-ўқиш жараёнида ўқувчиларнинг мулоқот маданияти такомиллашади, ахлоқий сифатлари ривожланади ҳамда уларнинг билимга бўлган қизиқишлари кучаяди.

Ўқувчилар ўйинда иштирок этиб, биргаликда масалани ҳал қиладилар, бир-бирлари билан мулоқотга киришадилар, ўртоқларининг фикрларни тинглашни ўрганадилар, жамоа бўлиб топшириқларни бажаришда ўқувчиларнинг турли имкониятларидан фойдаланидилар, болалар амалий фаолиятларида тез идрок қилувчи, танқидий баҳо берувчи, тиришиб, астойдил ишловчи, эҳтиёткор, хатарли ўртоқларини билиб оладилар.

Ўқиш жараёнида содир бўладиган биргаликдаги ҳис-туйғулар ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдамлашади. Шунингдек, ўйинда ҳар бир ўқувчи ўзининг билими, кўникмалари, характери, иродавий сифатларини, ўқув-билув фаолиятга, одамларга муносабатини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратилишини таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими ҳар бир ўйинда ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган натижани яқинлиги (ўйинни тугалланиши) ўқувчиларни мақсад(ғалаба)га эришишга ва унга эришиш йўллариани англашга (бошқалардан кўпроқ билиш зарур) рағбатлантиради.

Ўйинда муваффақиятли вазиятларни вужудга келиши ўқувчиларни билимга бўлган қизиқишини янада ривожлантириш учун қулай шароит яратади.

Ўйиндаги муваффақиятсизлик шахсий мағлубият сифатида эмас, балки ўйин билан боғлиқ мағлубият деб қабул қилиниши ўқувчиларнинг билиш фаолиятини рағбатлантиради.

Ўйин жараёнида вужудга келган мусобақа унинг ажралмас қисми бўлиб, у ўқувчиларни ўзига жалб қиладди. Ўйин жараёнида болаларнинг

хурсандчилиги дарсларда қулайлик муҳитини яратади ва уларнинг предметни ўрганиш истагини кучайтиради. Умумий мақсадга эришиш жараёни ўқувчиларнинг фикрлаш фаоллигини оширади, яъни фикрлаш таълим вазифасини ҳал қилишга қаратилади.

Ўйинда ҳамма вақт қандайдир сир – топилмаган жавоб бўлиб, у ўқувчиларни фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш, жавоб излашга даъват этишини ёддан чиқармаслик керак.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб қуйида ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган ўсимликларга бағишланган «Космик тезлик» ўйинига мисол келтирамиз.

Космик тезлик ўйини. Мазкур ўйиннинг асосий қуроли – тўпча (копток)га гуруҳ аъзолари доира шаклида туриб, тез-тез бир-бирларига узатишлари ҳисобланади. Узатишда бир мавзу йўналиши танланади (масалан, гулларнинг номи, ўсимликларнинг номи ва ҳ.к.). охирги тутаган ҳарф асосида тўпчани узатган ҳолда номлар давом эттирилиши керак. Шартни тўлиқ бажарган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

Ўйиннинг мақсади – гуруҳ ўқувчилари орасидаги ҳаракатларнинг мувофиқлиги, психологик мослик, ҳаракатларнинг бирлиги, тезкор фикр ва топқирлик кабиларни шакллантиришга қаратилган. Масалан, III синф ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган бу ўйинда мавзу «Ўсимликларнинг номи ва охирги ҳарфидан давом эттириш» танланган.

Синф жамоаси иккига бўлиниб, ўйнашади ва ўйин ниҳоясида ғолиб гуруҳ аниқланади.

Биринчи гуруҳ айтган номлар қия ва тагига чизилган ҳарфларда ёзилган.

Оқ кишиши → Шўра → Арпа → Арча → Аконит → Тарик → Қоқи ўт → Тоғбур биди → Илоқ → Қанд лавлаги → Изен → Наматак → Коврак → Каррак → Кандим → Марварид гул → Лола қизгалдоқ → Қўқонгул.

Болалар! Бу ўйинда иккинчи гуруҳ ғолиб бўлди.

Энди «Космик тезлик» ўйинини жонзотлар мисолида ташкил этамиз.


Айиқ → Қўшоёқ → Қалдирғоч → Читтак → Калтакесак → Кийик → Кучук → Каклик → Коларадо қўнғизи.

Болалар! Бу ўйинда биринчи гуруҳ ғолиб бўлди.

III синф математика фани дастурида кўзда тутилган «Жадвалли кўпайтириш ва бўлиш» мавзусини ўрганишни болалар билан номаълум сайёрага саёҳат қилиш ўйини орқали ўтказишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Бунда ўқитувчи болалар диққатини саёҳат мобайнида самовий кемага келадиган сигналларни, айниқса нохуш сигналларни эътиборсиз қолдирмасликка қаратади. Бизлардан ёрдам сўраб сигнал юборганларнинг барчасига ёрдам берамиз ва ҳаммасини тўғри қилсак, сирли сайёрада бизларни қандай сиру-синоатлар кутаётганлигидан огоҳ бўламиз дейди. Диққат! Болалар камарларингизни маҳкам боғланглар, космик кемага старт берамиз. Энди дафтарларингизни очинглар, улар кеманинг борт журнали

вазифасини бажаради. Бугунги кун санасини ёзинглар. Ана қаранглар кемани бошқариш пултида қизил лампочка ёнди. Бу биздан кимдир ёрдам сўраяпти деганидир. Ҳа, қаранглар, баджаҳл жодугар кампир сайёрани сеҳрлаб қўйибди, энди унда яшовчи одамлар (ўқувчилар) ўз уйларига бора олмаяптилар. Ҳозир экипажимиз аъзоларидан Собир, Азиза,... уларга ёрдам беради. Жавобларни мосликлари билан бирлаштириш керак. Шунда биз кимнинг уйи қаерда эканини билиб оламиз.



Бу вақтда биз сизлар билан ана шу сайёрада бўлган олимларнинг самовий кемасидаги унча катта бўлмаган носозликни тузатамиз. Бунинг учун биз баъзи бир математик ҳисоблашларни бажаришимиз керак. Агар биз ҳаммасини тўғри бажарсак, одамлар сайёрани тарк этиб, ерга жуда қимматли маълумотларни олиб қайтадилар.

$37:7=$	$6:8=$	$45:5=$	$90:10=$	$3:8=$
$36:6=$	$6:9=$	$70:7=$	$7:7=$	$7:6=$

Шундай қилиб, олимларга ёрдам бердик. Уларнинг кемаси эсон-омон ерга учиб кетди. Энди экипажимиз аъзолари топшириқни қандай бажарганликларини аниқлаймиз. Агар топшириқ тўғри бажарилган бўлса, қизил жетон (5), яхши бажарилган бўлса, яшил жетон (4), қониқарли бажарилган бўлса, сариқ жетон (3) билан тақдирлаймиз. Баракалла барча экипаж аъзолари амалларни муваффақиятли бажардилар!

Шундай қилиб, самовий кемада содир бўлган одатдан ташқари хавфли вазиятларда экипаж аъзолари уюшқоқлик билан ўзларининг иродаларини, қатъиятлиликларини, ботирликларини, топқирликларини кўрсата олдилар ҳамда ҳиссиётларини идора қила олдилар, бутун саёҳат давомида барча нохуш воқеаларни ҳамкорликда бартараф этишга муваффақ бўлдилар.